

Шоядки, такводор бўлсаларингиз

Йигирма бешинчи кисм

«Ва зебу зийнату безакларни хам. Буларнинг хаммаси хаёти дунёнинг матохидан бошка нарса эмас. Охират эса□ Роббинг наздида такводорлар учундир». (Зухруф сураси, 35-оят)

Агар юкоридаги мулохаза бўлмаганида, Аллох таоло мазкур нарсалардан ташкари хам, ўзига куфр келтирганларни зебу зийнату безакларга кўмиб ташлар эди. Аллох таоло ўлчовида, Ислом ўлчовида молу дунё, зебу зийнат ана шундай кадрсиз, ўткинчи нарсадир.

«Буларнинг хаммаси хаёти дунёнинг матохидан бошка нарса эмас».

Беш кунлик дунё хаёти тугаши билан хаммаси тугайди. Уни кўрган хам, кўрмаган хам бир бўлади. Хали буларнинг хисоб-китобини бериш хам бор. Аммо абадий рохат, хакикий неъмат диёри бўлган:

«Охират эса□ Роббинг наздида такводорлар учундир».

Биобарин, одамлар такводор бўлиб яшашга харакат килсинлар.

«Йисо очик-ойдин хужжат(мўъжиза)лар билан келган чогида: «Батахкик, мен сизга хикматни келтирдим ва баъзи сиз ихтилоф килаётган нарсаларни баён килиш учун келдим. Бас, Аллохга такво ва менга итоат килинглар». (Зухруф сураси, 63-оят)

«Бас, Аллохга такво ва менга итоат килинглар», дедилар.

Аллохга такво килмаслик окибатида мазкур ихтилофлар келиб чиккан эди.

Пайгамбарга итоат этмаслик окибатида мазкур ихтилофлар келиб чиккан эди. Бас, энди у ихтилофларни йигштириб, Аллохга такво килинг ва менга итоат этинг, ана шунда иш яхши бўлади.

«Ўша кунда такводорлардан бошка дўстлар бир-бирларига душмандир». (Зухруф сураси, 67-оят)

Киёмат куни хамма ўз окибатини билгач, гарчи бу дунёда ўзаро якин дўст бўлса хам, бир-бирига душманга айланади. Чунки у дунёда бир-бирларини турли амалларга ундаган дўстларнинг дўзахга тушиб жазо тортишлари аник маълум бўлиб қолади. Ана ўшанда, ёмон билан дўст бўлганига афсусланиб, дўстлар дўстини ёктирмай кўяди. Дўстлар душманга айланади. Бир-бирига маломат қилиб, сени деб шундай бўлди, дейишга ўтади.

Факат такводор дўстларнинг окибати хайрлидир. Чунки уларнинг дўстлиги Аллох учун, такво асосига қурилган эди. У дўстлар доимо яхши амалларни қилган бўладилар. Шунинг учун киёмат куни бирга жаннатга тушадилар ва дўстликлари яна хам ортади. Хамда уларга қуйидагича нидо қилинади:

«Албатта, такводорлар омонлик жойида». (Духон сураси, 51-оят)

Яъни такводорлар бу дунёдан у дунёга ўтишда тотган ўлимдан бошка ўлимни тотмайдилар, жаннатда абадий тирик қоладилар. Хамда Аллох таоло уларни дўзах азобидан саклайди.

«Албатта, улар сендан Аллох томонидан бўладиган ҳеч бир нарсани арита олмаслар. Ва, албатта, золимлар бир-бирларига дўстдирлар. Аллох такводорларнинг дўстидир». (Жосия сураси, 19-оят)

Яъни, албатта, ўша билмайдиган, ўз хавойи нафси йўлига бошлайдиганларнинг гапига кириб, Аллохнинг айтганидан юз ўгирсанг, улар сендан Аллохнинг ҳеч бир азобини арита олмайдилар. Шунинг учун сен уларнинг айтганига зинҳор юрма. Улар билан якин хам бўлма.

«...албатта, золимлар бир-бирларига дўстдирлар.»

Такводор одам ҳеч қачон золим – кофир билан дўст бўлмайди.

«Аллох такводорларнинг дўстидир.»

Бу дўстлик билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Ё Робб, биз хаёти дунё матохини охиратдан устун қўймаймиз, Ўзинга такво қиламиз ва Пайгамбаринг соллалоҳу алайҳи васалламга итоат қиламиз, Ўзинг охиратимизни обод қилгин, бизларни омонда қилгин.

Аллохим, бу дунёда бизларга такводор дўстларни насиб қилгин, зеро Киёматда такводорлардан бошқаси бир-бирларига дўст бўлмаслар. Жаннатда бир-бирини топа

Шоядки такводор бўлсаларингиз (Йигирма бешинчи қисм)

Муаллиф:

05.08.2013 14:53 - Янгиланди 30.06.2017 23:16

олмай колганда, Аллохдан фалончи дўстимни топиб бер, деб истайдиган муттакийлардан қилгин.

Ё Валий, бизларни ҳам Ўзингга дўст бўлишга лойик бандаларингдан қилгин.